



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат


# ЖАМЎ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 16 май пайшанба  
Сотувда эркин нархда  
№ 103 (2931)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



## КОРХОНА МАВСУМГА ТАЙЁР!

Оқдарё туманидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган «Сам-Сар» қўшма корхонаси жамоаси жорий йилда 3 минг тонна томат, 2 минг 500 тонна мева консерваси тайёрлашга аҳд қилган. Шу мақсадда улар

мавсумга пухта ҳозирлик кўрдилар. Жумладан, дала ва бог неъматларини харид қилиш юзасидан ширкат ва фермер хўжаликлари билан шартномалар тузилди, мавжуд машина-механизмлар эса тўлиқ созланди. Эрта-индин бу ерда тайёр маҳ-

сулотлар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб берилди.

**СУРАТЛАРДА:** қўшма корхонанинг умумий кўришиши; илгор ишчи Санжар Хидиров.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

### Олий Мажлисда

## ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ БОРАСИДАГИ ҚОНУНЛАР ҚАНДАЙ ИЖРО ЭТИЛАЯПТИ?

Кеча Олий Мажлиснинг Иқтисодий ҳаёт ва маъмурият бўлими раиси М.Сафаровнинг раислигида бўлиб ўтган 16-сессиянинг 16-қўшма мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси муаммолари» мавзусидаги конференцияда ана шу саволга жавоб изланди.

Конференцияни қўшма раиси М.Сафаров олиб борди. Унда «Ўзбекистонда пенсия таъминотининг ҳужжатий асослари», «Фуқароларни давлат пенсияси билан таъминлаш кафолатлари ва пенсия таъминотидаги муаммолар тўғрисида», «Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳисобига суғурта бадаллари тушумининг аҳоли тўғрисида», «Амалдаги пенсия қонун ижроси муаммолари», «Аҳолига имтиёзли пенсия тайинлаш, корхона, ташкилот ҳамда муассасалар айби билан келтирилган зарарни тўлашга муаммолар ҳақида» маърузалар тинланди.

Конференцияда маърузалар юзасидан турли хил фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, корхона, ташкилот ва муассасалар айби билан тайин-мажруҳ бўлган еки касб қилган қизилчилик фуқароларини иш жойи тўғрисидаги қонунчиликни таъминлаштириш, нодавлат пенсия жамғармасига оид қонунчиликни ишлаб чиқиш зарурлиги, шунингдек, пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадалларининг ўз вақтида тўлиқ тўлашга эришиш, архив органлари томонидан эса билим фуқароларга пенсия тайинлаш учун асосий маълумотлар бериш ҳоллари урғунлаштириш, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, тадбиркорлар томонидан уларда ишлайётган ходимларнинг меҳнат дафтарчаларини ноқонуний юритиш ҳоллари мажбурий руй-рост кўрсатиб ўтилди. Ана шундай ҳолатлар маълум маънода давлат манфаатига зарар етказишига, аҳолининг ҳаёт даражасининг ҳуқуқлари поймол бўлишига олиб келиши тўғрисида фикр юритилди. Уларнинг олдини олиш юзасидан турли тақлиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

Конференцияда билдирилган тақлиф-мулоҳазалар асосида тавсиялар ишлаб чиқишда ва муассасалар идораларга фойдаланишлари учун юбонришга келишиб олинди.

Ўз мухбиримиз.

## КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Бекободда Қора ва рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, қўшма, идора ва ташкилотлар, шунингдек, худудий бошқарув органлари, иккиламчи металл хомашеси йиғилиши ва топшириш билан шуғullanувчи муассасалар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мажкур комиссия раиси И.Журабеков бошқарган ушбу йиғилишда жорий йилнинг ўтган даврида қора ва рангли металл парчаларини тўплаш ҳамда металлургия ком-

бинатига етказиб бериш бўйича белгиланган режага асосан бажарилгани таъкидланди. Қурилиш, саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини нисбатан арзон бинокорлик материаллари билан таъминлашга жиддий эътибор берилмоқда. Ҳозир Бекобод металлургия комбинатига қайта ишланаётган хомашэ — металл ва пўлат маҳсулотлари хориқта экспорт ҳам қилинмоқда.

Йиғилишда қора ва рангли металл чиқиндиларини тўплаш ва металлургия комбинатига ўз вақтида етказиб бериш бўйича белгиланган режаларни оғишмай бажариш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ташкент вилояти доҳими У.Мирзақулов иштирок этди. (ЎЗА).

## ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

2002 йилнинг 2 майда Осиё тараққиёт банки Директорлар кенгаши Ўзбекистон Республикасига Орол-бўйи ҳудудига сув таъминоти тизимини яхшилаш лойиҳасини амалга ошириш учун қарз ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги мазкур лойиҳанинг асосий мақсади Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг сув таъминоти тизимини яхшилаш бўлиб ўтган йилда қарз қабул қилди.

Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги мазкур лойиҳанинг асосий мақсади Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг сув таъминоти тизимини яхшилаш бўлиб ўтган йилда қарз қабул қилди. Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги мазкур лойиҳанинг асосий мақсади Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг сув таъминоти тизимини яхшилаш бўлиб ўтган йилда қарз қабул қилди.

Жорий йилнинг 11 майда Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг Хитойнинг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган йиллик мажлисида номи эълан қилинган сув таъминоти тизимини яхшилаш бўлиб ўтган йилда қарз қабул қилди.

Хужжатни Осиё тараққиёт банки президенти Т.Чино ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Р.Азимов имзолади. (ЎЗА).

— умумий узунлиги 150 километр бўлган магистрал сув тармоқларини барпо этиш;

— қирқдан ортиқ қишлоқ сув таъминлаш тармоқини, 8 та сув чиқариш кудугини ва умумий узунлиги 500 километрдан зиёд сув узатиш тармоқларини қуриш ва таъмирлаш;

— сувни чуқуқлаштирувчи ускуналар, шунингдек, магистрал ва таъминловчи тармоқларда сув ҳисоблаш приборларини ўрнатиш.

Лойиҳанинг амалга оширилиши (Қорақалпоғистоннинг 12 та тумани ва Хоразм вилоятининг 4 та тумани) қўшма равишда 700 миңдан ортиқ кишини ичимлик суви билан таъминлаши, яхшироқ, сув исрофини 20 фоизга камайтириш имконини беради.

Хужжатни Осиё тараққиёт банки президенти Т.Чино ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Р.Азимов имзолади. (ЎЗА).

### Анъана

## БИР ТҮЙ БЎЛДИКИ...

«Боғшамол». Гузал миллий, меъморий иншоотларни, фаворю шаршараларни, эндиликда шаҳардаги энг катта санъатларнинг ҳузвини ўзида юзган сўлим, оромгоҳ. Бир қандай киши қалбига қатъон солиши, шубҳасиз. Бир пайтлар «Кай тепа» деб номланган гнѐх ўсмас тепаликни бугун танни бўлди. Ҳаммаёқ қўм-қўқ. Энг юқоридagi баланд елгорлик олдиға ўрнатилган, узук самонни қўзлаб парвоз қила бошлаган удкан Ҳумо қуни тисмасида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Унга қараб, Илоҳим, парвозинг юксак бўлиши, дейиб беихтиёр.

Жиззах аҳли Хотини ва Қадрлаш кунг арасида қуриб битказилган ушбу оромгоҳнинг муҳташам залида яна бир катта тўю-томошанинг тухови бўлиши. Дарвоқе, «Боғшамол»нинг дастлабки меъморлари нуруний отахон ва онахонлар мажмуининг муҳаббатлигини таъкидлаб, мактаб ёнига етган, мустақил ҳаётга қалам қўйган, аниқ ойда қураётган ёшлар илк оидимларини мана шу афсонавий қушдан куч, маънавий қалам ташлашларини инти қилгандилар. Иншоолуқ, орзулар ижобат бўлиб, истаклар анъанага айланмак. Негати, кунг-кеча бўлиб ўтган 13 жуфт келин-куёвини никоҳ қечасига йиғилган минглаб, ҳа минглаб кечаси билинг барчаси бу гонни тилдан ва дилдан қўзлаб-қуватлашди.

Мирзачуллик Олтиной Кубеова ҳамда Ровон Жонзодларнинг ондаси ҳам кам таъминланган оилалардан. Яширадиган жойи йўқ, вилоят доҳимлигининг ҳар йили бундай оилалар фарзандларининг тўйларига доҳимлик қилиш анъанаси уларга айни мудабо бўлди.

11 турух ногирони Мамараҳим Мавлонов Арнасойда яшайди. 10 нафар фарзанди бор. Уларнинг уч нафари уйли-жойли. «Гулиба» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бозорбек Раҳмоннинг сўзига қараганда, фарзандлар эсли-қушли, меҳнатқас. Шу боис ҳам унинг ўғли Баҳром ва Моҳирларнинг никоҳ тўйлари ана шу кунга тўри келган.

Келин-куёвларни нурунийлар номидан табриклаган меҳнат фахрийси Незмат Исроилов ёшларни Ватанинг содиқ қўлларига, элимизнинг энг намунавий оилалари бўлиб қолишларига истак билдириди.

Қариндошларимизнинг, ёру дўстларимизнинг қувончларини чексиз, — дейди қўшлар номидан табриклаган гулоралик Қаҳрамон Мамамутов. — Аввало, тўйимиз вилоятдаги энг кўркам гушаларнинг бирида ўтаётганидан, қолаверса, доҳимларнинг энг оилаларини қўзлаб-қуватлаётганидан мамунимиз. Бунда халқимизнинг баргекенлик хислатлари намоён бўлаётганини қалбдан ҳиз этиб туришимиз.

Турли миллат, турли касб эгалари бўлган келин-куёвларга никоҳ гувоҳномаларини вилоятнинг энг хурмати оқоқоқлари тоширишди. Янги оилаларга теленузурлар, бошқа зарур уй анжумлари ҳадя этилди.

Катта тўйда воҳа санъаткорлари хизматда бўлишди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Шу сонга хабар

## БУХОРО БИЗНЕС-МАРКАЗИ

Бу шаҳри азимда республика мол-хомашэ биржасининг бўлими — янги бизнес-маркази иш бошлади

700 миллион сўмлик маблаг эвазига бунёд этилган бизнес-маркази савдо залига ўрнатилган электрон таблодаги соатлар дунёнинг машхур шаҳарлари — Нью-Йорк, Лондон, Париж, Москва ва Тошкент вақтини кўрсатиб турибди. Бухоролик тадбиркор бу ерда компьютер ва модем орқали жаҳоннинг исталган биржасига ула-

ниб, Интернет тармоғи ёрдамида ўз маҳсулотини тақлиф қилиши, ҳар қандай мамлакат валютасининг курсини аниқлаши, шу ердан туриб ўз маҳсулотини истаган мамлакатга жўнатиши мумкин. Шу кунг илк бор бизнес-марказида мини-технологиялар кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмада Тошкент, Бухоро, На-

манган, Самарқанд, Навоий вилоятларидан келган 150 дан зиёд тадбиркор ўз маҳсулотларини намойиш этди. Марказнинг очилиши маросимда Бош вазир ўринбосари, Давлат мулки қўмитаси раиси Ҳ.Исмоилов, Бухоро вилояти доҳими С.Хусенов иштирок этди.

Илҳом САФАР, ЎЗА мухбири.

### Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Наманган вилояти доҳимлиги билан ҳамкорликда Чуст шаҳрида миллий-истиклол гоҳиси тарғиботининг услубий масалалари

Анжуманда миллий истиклол гоҳларини маҳалла ва қишлоқларда, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда аҳоли ўртасида тарғиб қилишнинг самарали воситаларини қўллаш, бу ишга танқидли эътибор — ёзувчи, шоир, олим, санъат ва жамоат арбобларини кенг жалб этиш, уларнинг илмий ва ижодий салоҳиятидан унумли фойдаланиш масалалари асосий мавзу бўлди.

Семинарда миллий истиклол гоҳини аниқ тақдирли, ҳаётий мисоллар асосида олдий ва тўнда тушунириш, қалқимиз бунёдкорликчилари кўламини ва аҳамиятини кўрсатиб бериш, юртимизнинг ҳар бир фуқароси, айниқса, ёшларимизнинг жамиятда амалга оширилаётган илоҳотлардаги иштирокини фаоллигини кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## ИЛГОРЛАР ИБРАТИ

Республикамиз хўжаликларига пилла йиғим-терими тобора қизгин тус олмоқда. Шартнома мажбуриятларини бажариб, юзи ёруғ бўлган пиллакорлар сони эса кун сайин кўпаймоқда.



Шоира Тўраева — шулардан бири. У бир кунг ипак қуртидан 80 килограмм сара «кумуш тола» етиштириб, Оққўрғон туманидаги Акмал Икромов номи ширкат хўжалигида байроқдор бўлди. — Жамоамизда Шоира Тўраевага ўхшашан илгор пиллакорлар кўп, — дейди хўжалик пиллакорлар кенгаши раиси Ма-

лика Арслонова. — Шу боис биз бу йил 72 кунг ипак қуртидан 3,9 тонна ўрнига 4,5 тонна пилла етиштиришга ҳаракат қилишимиз.

**СУРАТДА:** Шоира Тўраева ва Малика Арслонова пилла сифатини кўздан кечиришмоқда.

Пардобой ЭРҒАШЕВ олган сурат.

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

Мустақил Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан ҳамкорлиги, айниқса, иқтисодий муносабатларнинг фаоллашувида ишлаб чиқариш кўргазмаларининг алоҳида ўрни борлиги бугунги кунда кўпчилик томонидан эътироф этилмоқда.

Ана шундай кўргазмаларнинг навбатдагиси олдидан Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот конференциясига республикамизда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситаларининг деярли барчаси ўз вакилларини юборганини ҳам ана шу ҳол билан изоҳланди.

«Экспо-Италия» томонидан шу йил май ойининг 21 — 24-кунлари ўтказилган мазкур кўргазмада асо-

сан энг замонавий технологиялар, асбоб-ускуналар ва тайёр маҳсулотлар намойиш қилинади. Бу гал аввалги шундай кўргазмаларга қараганда анча кўп — етмишдан ортиқ субъектларнинг ўз технология ва маҳсулотлари билан таъриф буюришининг ўзбек истеъмолчи тадбиркорларга катта қизиқиш уйғотиши, табиийдир.

(Давоми 2-бетда).

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

2002 йил Президентимизнинг ташаббуси билан «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури тўғрисидаги қароридан бу борада белгиланаётган чора-тадбирларнинг роли ва аҳамиятини кенг тушунириш, уларнинг амалга оширилишига қўмақлашиш бўйича оммавий ахборот воситалари олдига катта вазифалар қўйилган эди. Шу муносабат билан «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари ҳамда республика «Нуроний» жамғармаси

## «Қариялар — эл фахри, юрт ифтихори»

мавзусида отахон ва онахонларимиз ҳаётини олиб ёзилган энг яхши лавҳа, очерк, публицистик мақола, иккер ҳамда фотосуратлар учун танлов эълон қилади. Унда Ўзбекистонлик ҳар бир ижодкор қарияларимизнинг иқтисодий, илмий, маданият маҳрифий ҳаётда фаол иштирок этганликларини, жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётганликларини, айни пайтда уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, қариллаш ва эъзозлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақидаги материаллар билан қатнашиши мумкин.

**Ғолиблар куйидаги мукофотлар билан тақдирланадилар:**

- БИТТА БИРИНЧИ МУКОФОТ** — энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баравари миқдориди.
- УЧТА ИККИНЧИ МУКОФОТ** — ҳар бири энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдориди.
- УЧТА УЧИНЧИ МУКОФОТ** — ҳар бири энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдориди.

Бундан ташқари, ҳар бири энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари миқдорида олмиша рағбатлантурувчи мукофот. Танлов жорий йилнинг 8 декабри — Конституцияимизнинг 10 йиллик байрами кунда яқунланади. Танлов ғолибларига мукофотлар 30 декабрь — янги йил арафасида топширилади.

Мурожаат учун манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй. Телефонлар: 133-57-34, 136-35-60, 132-09-40, 132-10-64.

Озод днёр — обод днёр



# ОРЗУЛАР ОГУШИДАГИ ШАҲАР

Бундан аттиги ўн йиллар муқаддам Гулистон шаҳри ҳақида илиқ-иссиқ гапларни айтиш жуда-жуда мушкул эди. У вилоят маркази бўлишга қарамастан ўзининг қоқ ўртасидан қозил пана-пасткам уйлари, камчилор ва кўлу қўлмақларга жой берганди. Ана шу қўлмақларда кўшма ва саратон кезлари пашшаю чивилор гулжон ўйнади. Тунда ҳайдовчилар ҳандак ва чуқурларга тушиб кетмасликлари учун юракларини ҳовулаб юришарди.

Мақтабининг 3-4-синфида ўқитган болалар, аҳтидол, бу гапларга ишонмайди. Негаки, тасаввур учун манзара ва реал воқеани зарур.

Уша йиллари шаҳар ёшлари учун ўқиб ва ишдан сўнг мириқиб хордиқ чиқарилган масканлар ҳам деярли йўқ эди. Мажбул учта кинотеатрлар бири маҳаллада жойлашган бўлиб, у деярли 9 ой давомига кўшма сулар қуровида қолиб кетарди.

Хар йили 350-400 минг тонна пахта, минглаб тонна галла, вагон-вагон сархид меваю сабзавот, минглаб тонна чорвачилик маҳсулотлари етиштириб бераётган вилоят марказининг ҳолига маймунлар йиллари, лесак вазиетни тўғри баҳолаган бўларди.

Истиқлол аталмиш буюк воқеа буларнинг барига ўзининг ўткир қалами уч билан нуқта қўйди.

Шахсан Юртбошимиз ва республика ҳукумати раҳбарлиги туфайли бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди. Бу пайтда истиқлол аллақачон қадамини ростлаб олган, унинг дастгидан аллақачон ҳар жойга етарди. Юзлаб-минглаб сирдаёлик қурувчилар, қўқонлик ўймақорлар, самарқандлик танжорлар ана шу бемисл фасилитнинг бошида турдилар. Қамчилорларга ўй қўйиб, пасткам уйлар бунёд ташлади. Кенг кўчалар, бежирим йўллар қуриб бошланди. Милдон-милдон кубометриқ тош ва туپроқ юмушлари бажарилиди.

Салкам 400 та хонадон икки йил ичда янги ҳовли тўйларини нишонлади. Янги уйга қай бир миллат фарзанди товуқ, қай бири мушук, қай бири кўзи кўтариб кирди. Уларни кўриб, балки ота-оналарнинг кўнглидан "Улар биздан кўра бахтли яшашди..." деган уй ўтган бўлса, ажабмас.

Янги уйлар ҳовлисида ўзбекча палов, татарча мучберек, қирғиз лағмон-ю, русларнинг пирогги ҳади димоқларни қўтиқлай бошлади. Ўзбек лагарига қозоқ ўлани, рус чаштукисига қирғиз жири журавоз бўлиб кетди.

Рақамлар ўзар бўлади, деган гап бор. Бироқ Гулистонда бажаришган бунёдкорлик ишларини ўзининг елкасига опичлаб олган рақамлар ҳам мулоим, ҳам киши юрагини энтиқтирилган ҳолатда эди.

Қани, чўни олиб бир ҳисоб-китоб қилайлик: шаҳар ўрта-сида ва чекасиди бир-бирини маҳобати, бир-бирини гўзал иккига бозор қўришди. Бу бозорларда харидор қўзини ўйна-тувчи ўзимизнинг Марғилону Фарғона атласидан тортиб олиш хорикдан келтирилган минг бир хил матолар ял-ял ёнади. Ешлар учун "Алтоминш" спорт-соғломлаштириш мажмуи, "Бокс" саройи, сузиш ҳавзалари ва бошқа ўйлаб дам олиш масканлари бунёд этилди. Бугунги кунда Гулистон давлат университети ҳовлидаги академик лицей, қатор банклар, "Никос" саройи, вилоят ҳўжалик суди биноси, дорилармон ишлаб чиқариш "Лечевофармасинг" кўшма корхонаси, "УАДЗУ"нинг вилоятдаги бинолари шаҳар кўрқига-кўрк қўшиб турибди.

Бундан ташқари, кейинги бир йил ичда марказий ўйингоҳ қайта тазмирланди, "Оналар ва Болалар" шифохонаси, шу номада боғ бунёд этилди. Тез тиббий ёрдам ва реабилитация марказлари фаолият бошлади. Эски тузар жой биноларини тамирлашга шаҳар ҳўқимияти ярим миллионга сўм маблаг ажратди. Қўл ва кўлмақлар, камчилорлар ўрнида иккига аквариб боғ ташкил этишга шўқимияти айниқса, ҳўп ёқди. Мана эндиликда фавворалар, кўприклар тунда етти хил рангда товланувчи чироқлар жалосидан яш-наб кетади.

Ана шу мақсадлар учун фақат кейинги йилларда 25 миллиард сўмдан кўпроқ маблаг ажратилганлиги қимми қувонтирмайди, дейсиз.

Шаҳарда ҳўсуеий тадбиркорликка ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Бугунги кунда 80 та ўрта ва кичик бизнес субъектига салкам 200 нафарга яқин тадбиркор ушбулармон эшқдан тортиб то баҳайбат қўрилиш материалларига булган тадбир маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Икки йил ичда тадбиркорларга банк томонидан салкам ўн миллион сўм кредит ажратилди. Унинг 80 фоизи тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Натигада фақат кейинги ўн ой ичда салкам 700 миллион сўмлик товар ва халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқарилганлиги ажратилган кредит тўғри мақсадларда ишлатилганлигидан далолат беради.

Гулистонлик тадбиркорлар 2002 йилда бу қўрсаткиччи бир ярим миллиард сўмликка етказишни мўлжаллаб туриш-шибди.

Шаҳарда ободончилик ва кўсаламорлаштиришга астойдил эътибор берилаяпти. Икки йил ичда боғ ва хиёбонларга, майдон ва кўчалар четига салкам юз минг тул мевали ва манзарали дархат, салкам ярим миллион тул гул кўчатлари ўтказилди. Яшайтган шаҳринг гўзал бўлса, унинг ҳар қарчи ораста бўлса, бир гайратинга ўн гайрат қўшилган эди. Маҳалладан ушқирилётган хашарларга эндиликда кишиларнинг ўз ихтиёрлари билан чиқиб меҳнат қилаётганлиги қувон-нарли ҳад эмасми? Бу йил гулистонликларнинг эзу мақсад-ларидан бири ободончилик ва кўсаламорлаштириш оида фаол иштирок этиб, республика галиби бўлишди.

Тарих—сабоқ, Бобил минораси дарёга яқин жойлашган-лиги туфайли емирилиб битган. Эчкиларнинг кўпайиб ке-тиши тулаб-нишаб турган Афина шаҳрини кўрмисиз бир ақвопта келтирган. Гулистонликлар эса ўз шаҳарларини эн-диликда жамнатнинг бир парчаси сифатида ардоқлашнинг, кўз қорачиқиди асрашнинг улдасидан чиқармоқда.

Бу шаҳар ёшлар шаҳридир. Унда салкам ўн минг нафар талаба университети, лицей ва коллежларда ҳаёт ва билим сирларини мукаммал ўрганишмоқда. Улар эндиликда дарс-дан ва ишдан бўш пайтларинда қайёқда борини билмай, иккидан-икки қўшилишди. Негаки, айнан мана шу ёшларни кутубхона ва спорт мажмуалари, истироҳат боғлари ва театр-лар ҳаминша ўз бағрига олади.

Гулистон, айниқса, тонгда гўзал бўлиб кетади. Туманлар-дан бу шаҳар сари йўлга чиққан автобуслар, поездалар вокзал-га автобекетларга бир зум тин олади. Шаҳарни қўлунай ва хандак бўйлари тўтиб кетади. Бозор расталарида Мирзачў-лнинг метровий қовуналири-ю, ҳўсуеий узумларининг ҳиди шўбади билан қўшилиб юзурклияди.

Чилангару дурдаторлар ўз дўконлари эшикларини ланг очиб, янги меҳнат кўнрагини бошлашди.

Бекатларда бир зум тин олиб, нафас ростлаган поездалар эса бу тархт, толен истиқлол туфайли гул тўтиб ёнган ша-ҳарни бархт этиб, янги манзиллар сари етиб кетишди.

**Э. БОЛИЕВ,  
А. ХОНИҚУЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбирлари.**



## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Уларнинг орасида дунёга танилган фирма ва компаниялар ҳам борлиги кўргазма аҳамиятини янада оширади. Масалан, "Кикко" пойабзал фирмаси жаҳоннинг болалар учун оёқ кийимлари ишлаб чиқарувчи энг бообрў фирмалардан бири сифатида эътифот этилмоқда. Энг талабчан харидорни-да мамнун этадиган турли-туман сифатли маҳсулотлар, шунингдек, замонавий технологик воситалар ишлаб чиқарувчи "Барилла" ҳам ҳеч қандай та-ништирувга муҳтож эмас...

Булажақ кўргазма ташкилотчилари мамлакатимиз иқтисодийнинг ўзи-жа ҳужжатларини алоҳида эътиборга олганлиги сезилиб турибди. Масалан, Ўзбекистон автотомобилсозлик санаятига эга мамлакатлар қаторига қўшилганлиги назарда тутилди, кўргазмага ташриф буюрганларни энг замонавий автотўлиқ асбоб-ускуналар билан та-ништириш режалаштирилган. Кўргазмада бугунги кун талабларидан келиб чиқиб қўшмақ мебель маҳсулотларига ҳам маҳсуе ўрин ажратилди. Умуман, бу ерга ташриф буюрган ҳар бир киши жаҳон стан-дарти талабларига гўла жа-воб берувчи тўқимачилик санаяти, чарм санаяти, озиқ-овқат санаяти маҳсу-лотлари, шунингдек, сав-до ва аҳолига хизмат кўрсатиш ҳамда тошини қайта ишлаш соҳа-тармоқ-ларида ишлатилган ас-боб-ускуналар билан ат-рофлича танишиш имко-нига эга бўлади...

Матбуот конференция-сида "Экспо-Италия" Пре-зиденти Луиджи Ремиджо, Италия элчихонасининг молиявий масалалар бўй-ича атташеси Дж. Витторио Д'инноченцо журналист-ларнинг саволларига ат-рофлича жавоб қайтарди-лар.

Конференцияда Италия-нинг мамлакатимиздаги элчиси жаноб Леопальдо Ферри де Лаазара ишти-рок этди ва сўзга чиқди.

**М. НОСИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.**

Фарғонанинг қадимий Ҳўқан-ди латифида маҳобати бир қо-шона қад ростлади. Унинг пешто-қиға «Меҳригн» корхонасининг фитофар қаҳвахонаси» деб эъиб қўйилган. У бир қараганда турли табиий шаработлар билан савдо қилувчи қаҳвахона тасаввурини ўйготса-да, аслида нафақат

Ўзбекистонда, балки Марка-зий Осиёда ятома доривор ўсимликлар дамламаси, шар-бати, дориворлари билан сав-до қилувчи ўзига хос шифо-атхонадир.

Бу ерда Ҳўқанди латиф-нинг ажаботвор боғлари, во-дийнинг дилтортар анвойи тоғу-тошлари, даладари ҳидини, тароватини сезиш мум-кин. Чунки мақзур қаҳвахонада дардларига шифо излаб келган ки-шилар эътиборига ҳавола қилинаёт-ган 20 турдан зиёд турли хил ўсим-ликлар шарбатлари шўндоқ дала-дан янги узиб олинган шифобахш гнўхлардан тайёрланган.

Қўқон шаҳридаги «Меҳригн» корхонаси фаолият кўрсатаётгани-га ўн йил бўлди. Дастлаб корхо-нада водийнинг Тянь-Шань ва Помир тоғлари, кийик изи ўнгу-ру офтобрў қирларидан турли ги-ёҳлар, мўмиё-маҳамлар териб кел-тирилиб, шифобахш ёғлардан дори-дармон тайёрланган.

Кейинчалик Ўқуқирқ тумани-нинг Деҳқоново номида жамоа ҳўжа-лигидан 2,5 гектар ер ижарага оли-ниб, фақат доривор ўсимликлар етиштириш билан шўғулланилди. Ҳўзир бу табобат қошонасида тай-ёрланаётган турли хил табиий дори-дармонларга нафақат мамла-катимизда, балки кўшни Қирғи-

### Истиқлол жамоли

зистон, Тожикистон мамлакатлари-дан ҳам харидорлар кўп. Олик Ис-роил, Россия мамлакатларидан ҳам «Меҳригн» корхонасида тайёрла-наётган табиий дорилар буюрт-малар бор.

Ўтган йили «Меҳригн» корхо-

корхонасида ҳам ўндан зиёд таби-ий ўсимликлардан турли хил ши-фобахш мўлар тайёрланяпти.

Яқинда «Меҳригн» корхонаси-нинг маҳсулот кўргазмалари на-мойиш этилди, ишлаб чиқарилаёт-ган маҳсулотларнинг тақдими ма-

директори Абдувоҳид Турғунов. — Мана ўн йилдики, «Меҳригн» корхонаси билан ҳамкорликда иш олиб бораётимиз. Яқинда Москва шаҳрида корхонада тайёрланган 20 турдан ортқ доривор ўсимликлар кўргазмаси намойиш этилди. Му-тахассислар сифати, қадлоқаниши бошқа жойларда тайёрланган маҳ-сулотлардан анча устуи эканли-гини қайд этишди. Нар-хи эса Россияда тайёрланган-дан ана шўндай маҳсулотлар-дан уч-тўрт баравар арзон.

Агар бу маҳсулотларни кўп миқдорда ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, бемалол дунё дориворларини эътиборини тортиши мумкин. Ҳўзир Тошкент шаҳрида ҳам савдо уйи ва қаҳвахона очиб ҳақида кели-шиб олинди.

— Халқимизда табиий доривор ўсимликларга эътиёб бериш орти-б борапти. Шуни ҳисобга олиб, бизнинг жамоамиз «Меҳригн» корхонаси билан мунтазам равиш-да маҳсулот етказиб бериш ҳақида шартнома тузди, — дейди Қўқон шаҳридаги «Барак» жамоа корхо-наси раҳбари Валиқон Фозилжў-жаев. — Мўқимий боғидаги чо-хонани тўлғаси «Меҳригн»да тай-ёрланаётган дориворлар, шифобахш ёғлар билан савдо қилувчи дўко-нага айлантирилди. Энди ҳар битта озиқ-овқат дўконимизда доривор ўсимликлар билан савдо қилина-ди. Чунки қўқонлик дориворшо-ларнинг маҳсулотлари бизнинг ха-ридорларга маъқул бўляпти. «Меҳ-ригн» корхонаси уларнинг ишон-чини оқлашга шўба йўқ.

**Нобихон СОБИР,  
«Халқ сўзи» мухбири.**

## «МЕҲРИГН» МЎЪЖИЗАСИ

насининг Ўзбекистон-Австрия «Асас» кўшма корхонаси билан ҳамкорлиги туфайли Жанубий Ко-реядан шифобахш ёғлар ишлаб чи-қариладиган ва қадлоқайдиган уску-налар келтириб ўрнатилди. Уску-нанинг бир кунлик ишлаб чиқа-риш қуввати 2 тонна атрофида.

Ҳўзир бу ерда 15 хилдан ортқ шифобахш муолажа ёғлари тайёр-ланапти. Жасин, апельсин, атир-гул, сезам, намьатак, аччиқ ёнғоқ, узум ва шарафтоли данаги ва бошқа табиий ўсимликлар данакларидан тайёрланаётган ёғлар бирор кун до-рихоналар пештахтасида туриб қо-ймайди. Чунки бу дори-дармонлар 50 дан зиёд турли хил касаллик-ларни даволашга қўл келади.

Шарқ манбаларининг шўқидик беришича, хитойлик Ли Чунг Юн деган табибати 2,5 асрдан ортқ-роқ замонда ушбу корхонани қайта ишлаш, доривор ўсимлик-ларни йиғиштириш билан шўғул-ланди, — дейди «Асас» Ўзбеки-стон-Австрия кўшма корхонаси

росими бўлиб ўтди. Маросимда сўзга чиққанлар бу хайри ишга қўл урган Юсуфбек Ёқубов, Али-жон ота Фозилжўжаев, Аҳмаджон Турдалиевларга ишларига муваф-фақият тиладилар.

Корхона маҳсулотларига Тош-кент фармацевтика институти ка-федра мудирини, профессор Собир-жон Аминов, болалар врачини Маҳ-муджон Яҳёева, вилоят радиоло-гии шифохонаси бош ҳўқими Маъ-руфжон Эгамовлар юксак баҳо бе-ришди. Қўқон шаҳар ҳўқими Маъ-руфжон Яҳёев олийжаноб таб-диркорлар бор экан, Ҳўқанди ла-тифининг мамлакатимиздаги аниқ сарҳалларидан ташқаридаги обу-рўлти даволашга қўл келади.

— Кўшма корхонамиз асосан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, доривор ўсимлик-ларни йиғиштириш билан шўғул-ланди, — дейди «Асас» Ўзбеки-стон-Австрия кўшма корхонаси



Жиззах вилояти ёшларининг ҳўқуқий саводхонлигини оширишга вилоят прокуратураси ходимларининг ўрни алоҳида. Уларнинг ташаббуси билан мактаблар, ўқув юртал-лари, турли ҳўжалик ва корхоналарда ҳўқуқ-тартибот орган-лари ходимлари билан учрашувлар, давра сўхбатлари ўтқа-зилаётир. Бундай учрашувларда вилоят прокуратурининг

катта ёрдамчиси Шоирхон Ашурова фаолият кўрсатапти. У нафақат яхши мутахассис, балки ёшларнинг се-вими маслаҳаттўйи ҳам.

**СУРАТДА:** вилоят прокуратурининг катта ёрдамчиси спорт коллежи ўқувчилари давраида.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ** олган сурат.

## ҚОНУН ВА ТАЪЛИМ

лиги тизимдаги ноюридик олий ўқув юрталарини Ҳўқуқшунослик фанидан дарс берувчи профессор ўқитувчилари, тадқиқотчи олимлар ва амалиётчилар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳўқимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонуни-ни илмий-назарий жиҳатдан таҳ-лил этиш ва уни илмий-педаго-гик фаолият билан боғлаш семи-нар қатнашчиларининг диққат мар-казида бўлди.

Таъбирга ўз маърузалари билан қатнашган Ўзбекистон Республика-сини Президенти девони Қонунчилик

ва суа ҳўқимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуру-ҳининг раҳбари Н.Исмоилов, юри-дик фанлари докторлари, профес-сорлар З.Исмолов, Ҳ.Бобоев, Ҳ.Аб-думажидов ва бошқалар референдум яқунларининг қонунчиликка акс эт-тирилиши, Конституциявий қону-нинг моҳияти, унинг бошқа қону-нига таъсири ва давлат ҳўқимия-тинини ташкил этишдаги аҳамияти, олий ўқув юрталарининг ноюридик факультетларининг таълим ва ўқув ишларини Конституциявий қонун моҳиятидан келиб чиқиб ташкил этиш, ҳўқуқий йўналишдаги ил-мий-тадқиқот ишларини янада чу-қураштириш ва бу соҳадаги кел-

гуси вазибалар тўғрисида атроф-лича тўхталиб ўтилди.

Анжуман қатнашчилари олий ўқув юрталарида ўқув ва ҳўқуқий тартибот ишларини янада кенгай-тириш, турли дарсликлар, ўқув-ус-лубий қўлланмалар яратиб ишла-ридан жалаллаштириш, талабалар ўртасида Конституциявий қонун мо-ҳиятининг чуқурроқ тушунириш, ҳўқуқий тартибот ишлари билан бо-ғлиқ келгусидаги вазибаларни бел-гилаб олдирди.

Шўндай илмий-амалий семинар-лар май ойида ана Ўзбекистон Ре-спубликаси Халқ таълим вазириги тизимдаги Ҳўқуқшунослик фани-дан дарс берувчи ўқитувчилар, маъ-навият ва маърифат масалалари билан шўғулланувчи ходимлар, маҳал-ла оқсоқоллари вакиллари учун ҳам ўтказилиши кўзда тутилган.

(Ў.А).

## Ташаббус

Тошкент давлат юридик институтида "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳўқимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунини ўрганишга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Уни Тошкент давлат юридик институти Ўзбекистон Республикасини Олий ва ўрта махсу таълим вазири-ли ҳамда Ҳўқуқий таълим тарти-боти маркази билан ҳамкорликда ташкил этди.

Семинарда Олий таълим вазири-

## Нима ўзгарди?

# БОЗОР БЕДАРВОЗА ЭМАС

### ёхуд танкиддан тўғри хулоса чиқарилгани хусусида

Газетхонларимизнинг ёдида бўлса, "Халқ сўзи" ўзининг апрель ойида-ги қатор чиқишларида Тошкент бозорлари фаолиятидаги камчиллар, баъзи мутасаддиларнинг ўз бурчига лоқайдлиги, боис хизмат кўрсатиш маданияти пайсаягани, ҳатто харидор ҳақида хиёнат қилиш ҳоллари учра-ётгани хусусида бонг урган эди. Мақзур мақолалар юзасидан "Тошбо-зортайёрловсавдо" уюммаси раиси И.Норигитов имзоси билан расмий жавоб олдиқ. Унда, жумладан, шўндай дейилади:

"...Мақола уюшма муассис-лари ва аъзоларининг кенаятири-лиган мажлисига мўхўкама қилинди. Унда "Эски жува уни-версал бозори", "Олай универ-сал бозори", "Миробол бозори", "Сирғали универсал бозори" ак-циядорлик жамиятлари раҳбар-ларининг фаолияти қаттиқ танқид қилинди. Шунингдек, уларга тегишли чора кўриш учун мақзур акциядорлик жамият-лари Кузатув кенаятиришга тақдимнома юборилди.

Мақолада келтирилган кам-чиликларни музатиш ва улар-нинг қайтарилишига йўл қўймаслик мақсидида, бозорлар акциядорлик жамиятлари бош-қаруви тегишли буйруқла-ри асосида 2 нафар ходим билан тузилган меҳнат шартно-маси бекор қилинди, 4 нафар ходимга нисбатан шитимозий чоралар кўриди.

Кейинги даврларда уюшма

сига 2002 йилнинг биринчи чо-рагида 698,3 миллион сўмлик қурилиш, қайта қуриш ва та-мирлар ишлари бажарилашини кўриши мумкин..."

Жонзиқ, жавоб хатида қилинаётган ишлар хусусида яна қўпгина мисоллар келти-рилган. Ичкилиб, шу гаплар-нинг бари рост бўлсин-да? Ҳаёлимиздан шўндай фикр ўтгани учун "Тошбозортайёр-ловсавдо" уюммаси мутасад-дилари хирмоҳида яна пой-тахт бозорларини айланди.

Аралаш-қуралаш расталар-нинг номида янгилашиб, маҳсулотларнинг турлари бўйича жойлаштирилган эътиборимизни тортиб бири-чи ўзгартириб бўлди. "Миробол", "Бешиғоч" ва "Фарҳод" бо-зорларида тарозихоналар қай-та таъмирланди. "Чорсу" ва "Авиасозлар" бозорларида хар-идорларга ноқудалик туғди-

раётган жами 83 та раста олиб таъмирланди, ўрни тартибга кел-тирилган таъмиқ кор қил-ганини сезиш қайин эмас.

Уюшма мутасаддилари то-монидан "Бозорларни 2010 йилгача бўлган даврда ринож-ланштириш истиқболлари", деб номланган алоҳида дастурининг ишлаб чиқилгани янгилик бўлди. Ушбу дастурга кирган тадбирлар учун ҳар йили 2,5-3 миллиард сўм миқдорда молия-вий маблаг ажратилиши кўзда тутилган. "Паркент", "Кўчча", "Сирғали-3", "Ким Пен Ха" сингари бозорларнинг қайтадан қуригани ана шу дастур шар-офатида. Шўндай бўлиши ҳам керак-да, ахир, Зеро, бо-зорлар азалдан юрт кўрки са-нади. Хориз сайёҳларининг муаяйин халқ маданиятининг бозорларига қараб аниқ-лаши ҳам бежизга эмас.

"Паркент универсал бозори" ҳиссадорлик жамияти ҳўзирда энг кўп харидор ке-ладиган масканлардан бири. Бу ерда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотувчилар учун буюм бозоридан алоҳи-да ҳолда 360 та ўрин ажра-тилган. Харидор учун ҳам, со-тувчи учун ҳам бир неча тур-

даги сервис хизматлари йўлга қўйилган. Янги павильонлар қурилатганидан хабарингиз бордир. Ҳўзирга уларнинг тўрттаси янги туширилган. Ҳар бири 900 квадрат метр жой эгалладиган бу павиль-онлар қулайлиги билан фарқ-ланиб туради. Бозор фаоли-яти натижасида жорий йил-нинг шу давригача 123 мил-лион 642 минг сўм нақд пул тушуми давлат газнасига то-пирилган. Бу режалаштирил-ган 11 миллион сўм кўп де-мак. Бозор қошидаги савдо ха-рид корхонасининг фаоли-яти ҳам мақтасга аризулдиқ. Эн-диликда полз ва сабзавот маҳсу-лотлари сотиладиган мавсумий бозор қурилиши авжда экан.

Тошкент бозорлари худу-дини ободонлаштириш мақса-дида қисқа фурсат ичда 2253 тул дархат ва 2880 тул гул кўчатлари ўтказилиб, жами 3714 квадрат метр гулор таш-кил қилинибди. Уюшма раҳ-бариятининг бозорлардаги то-заликни сақлашга эътиборни кўчатирилганидан деб билдик

**Озод РАЖАБОВ,  
«Халқ сўзи» шарҳловчиси.**



Офатга қарши матонат

Утган яқшабба кунини Қорақалпоғистоннинг шимолӣ худуди ҳисобланмиш Тахта-кўпир туманида 25 дақиқа давомига 26 миллиметр дўд ёғди, довулнинг кучи секундида 25-26 метра-га етди. Бу офатдан ширкат ҳўжаликлари, фермер ва деҳқон ҳўжаликларининг экни майдонлари бирмунча зарар қўрди.

**АКАДЕМИК  
БҮРИБОЙ АҲМЕДОВ**



темурийларнинг жаҳон тарихидаги ўрнига илмий жиҳатдан ҳаққоний баҳо берилишида Б.Аҳмедовнинг хизматлари каттадир. Хусусан, унинг қаламига мансуб "Амир Темур" асари буюк давлат арбобининг тарихий-бадиий сиймосини яратишда муҳим ўрин тутди.

Б.Аҳмедов буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ЮНЕСКО халқаро ташкilotи иштирокида Париж, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган халқаро илмий анжуманларни уюштиришда, Амир Темур ва темурийлар тарихига оид бир қатор монографиялар, илмий мажмуа ва альбомларни нашр этишда улкан ташкилотчилик фахрларига эришди.

Академик Б.Аҳмедов 300 дан ортиқ монография, дарслик ва бошқа илмий асарлар муаллифи бўлиб, унинг қўллаг китоблари ҳарбий тилларга таржима қилинган. У ўз фойдаларида давомда 6 илмий ходимлар тарбиясига алоҳида эътибор берди. Жамоатчилик олимни 40 дан ортиқ фан доктори ва номзодларини етиштирган, манбаъносликда ўз илмий мактабининг яратган талабани ва меҳрибон устоз сифатида яхши билди ва қадрлайди.

Атоқли олим самарали илмий ва жамоатчилик фаолияти учун Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти, "Дўстлик" ордени каби давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган.

Б.Аҳмедовнинг миллий истиқлолимизни мустақамлаш, мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш, халқимиз маънавиятини юксалтириш борасидаги алоҳида фаолияти муносиб баҳолалиб, у "Буюк хизматлари учун" орденига сазовор бўлган эди.

Улкан олим, аждоиб инсон Бүрибой Аҳмедовнинг порлоқ хотираси халқимизда абдий сақланиб қолади.

Заҳматқаш олим Ўзбекистон давлатчилиги тарихини, халқимизнинг қадимий ва бой ўтмиши саҳифаларини илмий нуқтаи назардан изоҳлаб бериш ва ёритиш, халқаро илмий доираларда тарғиб этиш ишига беқисс ҳисса қўшди. Узининг манбаънослик, Ўрта Осиё халқларининг Х-ХІХ асрлардаги ижтимоий-сиёсий тарихига оид тадқиқотлари билан дунё миқёсида обрў-эътибор қозонди.

Айниқса, мустақиллик йилларида Амир Темур ва

**И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ҳ. СУЛТОНОВ,  
Т. РИСКИЕВ, Х. СУЛТОНОВ, Х. КАРОМАТОВ, А. ОРМОНОВ,  
Б. ЙҮЛДОШЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, А. АҲМЕДОВ, Т. ФАЙЗИЕВ.**



Ташаббус сўнмасин

**Нуронийлар дуо қилишди**

Косонсойнинг табиати ажойиб-да. Яшилликка чулганган бу гушанинг соф ҳавосини симириб тўймайсиз. Шунданми, иссиқ кунлар бошлангани билан катта кичик унинг бағрига ошиқди. Шаҳар четида, шундоқина тоғ этагидида сойлик соҳилида янги сўхатгоҳи қуришди. Бир ажойиб масканки, кўрган кишининг дили яйрайди.

Қарияларни қадрлаш йилда сўхатгоҳни қуриш ва безатиш ишларига 180 миллион сўм маблағ сарфланди. Уни вилоят ҳокимлиги ҳамда республика Меҳнат, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ажратди. Икки қаватли муҳташам бинодаги давлолаш ва ҳордиқ чикариш хоналарига евроусулда безак берилган. Ки-

раверишдаги фавворадан сочилаётган инжулар камалак рангида товланади. Юрак, қон томир ва асаб тизими хасталикларини даволашга мажбурланган қисмидagi физиотерапия жиҳозлари, шифобахш ванна, сув ости массажи беморлар хизматида.

Биринчи навбатда, 80 кишининг саломатлигини тиклаётган шифо ва ҳордиқ масканини Косонсойдаги «Тоҳиршер», «XXI аср», «Тарх» хусусий фирмаларининг бинкорлари муддатидан бир ой аввал битказишди.

Вилоятда бундай савобли юмушлар қўламини кенгаймоқда. Жумладан, Қарияларни қадрлаш йили дастури ижроси, қўмак ва эътиборга муҳтож кексалар ҳолидан ха-

бар олиш, уларнинг оғирини енгил қилиш доимо кун тартибда. Ана шу тоифадagi 5389 нафар кишининг ҳар бири биттадан меҳнат жамоасига бириктириб қўйилган. Бундан ташқари ижтимоий таъминот идоралари ўтган ойлар давомида 448 нафар отахон ва онахонни сўхатгоҳларда дам олдирди. 118 нафар фахрийга ногиронлар арачаси берилди. Наманган шаҳри ва Давлатобод туманларида 828 кишига шаҳар транспортда бепул юриш хуқуқини беришчи гувоҳнома тўхфа қилинди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,  
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбирлари.**

**Ер юзида**

воқеалар  
рақамлар  
тафсилотлар

Бизнинг шарҳ

**КАСПИЙСҚДАГИ  
КЎПОРУВЧИЛИК**

Айни кунларда жаҳон ҳамжамияти Россия аҳолисига чуқур таъзия билдиришда. Аввал хабар қилганимиздек, россияликлар яна бир кўпорувчиликни бошларидан кечирди: Доғистоннинг Каспийск шаҳрида амалга оширилган портлаш оқибатида 42 киши ҳаётдан кўз юмди ва 150 дан зиёд киши тан жароҳати олди.

Энг даҳшатлиси, кўпорувчилик ҳаракати 9 май кuni шаҳарнинг маркази, одамлар талвум жойида содир этилди. Кўрбон булган ва яраланганларнинг аксарияти уруш фахрийлари ҳамда болалар эканлиги барчани ларзага солди. Байрам азага айланди.

Кавказ минтақаси сўнги йилларда нотинч макон бўлиб келмоқда. Бунга Чеченстондаги воқеалар ақвол мисол бўла олади. Аммо у ерга ўрнашиб олган террорчилар Доғистонни ҳам ана шундай беқарор ҳудудга айлантириш учун бор кучини ишга солишмоқда ва афсуски, баъзида ўзларининг қора интиқларини амалга оширишга муваффақ ҳам бўлмоқдалар. Бундан эса оддий фуқаролар қаттиқ азият кечкишати.

Россия президенти Владимир Путин Каспийсқдаги террорчилик туғайли кўрбон булганларнинг яқинларига таъзия изҳор этар экан, ана шундай портлашларни амалга оширатганларни фашистлар билан тенглагани ва "ўларнинг эгона мақсади кўрбон уйғотиш ва "Улдириш" деб баҳолагани бежиз эмас.

Айни пайтда мамлакат президенти томонидан Россия федерал хавфсизлик хизмати директори Николай Патрушев бошичилигида тузилган махсус гуруҳ Жаңио-ят коллексининг 205-("Террорчилик") моддаси бўйича қилариш ишларини давом эттиришмоқда.

10 май Доғистонда мотам эълон қилинган бўлса-да, лекин мотамона руҳият ҳамон давом этмоқда. Негаки, қўллаг беғуноқ кишилар бевақт оламдан кўз юмишди, қанча-қанча орузлар ушшамди. Бу эса ҳар биримизда яна бир бор "аср вабоси" бўлиши террорчиликка нисбатан янада кўли нафрат уйғоти. Бу қор илдининг нақдлар шифақсизлигини, террорчилар учун ҳеч қандай азиз нарса йўқлигини яна бир бор исботлади. Шундай экан террорчиликни тат-томлари билан йўқотиш учун ҳаммамиз доим оғоҳ бўлишимиз, унга қарши курашда янада жиғлашишимиз лозим.

**Салим ДОНИЕРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.**

**СОБИҚ РАҲБАР  
АСИРГА ОЛИНДИ**

Америка ҳарбийлари Афғонистонда "Толибон" ҳаракатининг собиқ раҳбарларидан бири Мулло Абдул Саломни асирга олишди. "Afghan Islamic Press" ахборот агентлиги ана шундай маълумот тарқатган.

**ЯНГИ САНКЦИЯЛАР  
МАЪҚУЛЛАНДИ**

БМТ Хавфсизлик Кенashi Ироққа нисбатан санкциялар қўлашнинг янги тартибини маъқуллаган. Ушбу санкцияларга ХК 15 аъзосининг барчаси ижобий овоз берган. Бу ҳужжат АҚШ ва Буюк Британия ташаббуси билан қабул қилинди.

**7000 ГЕКТАРГА  
КЕНГАЙДИ**

Россиянинг Хабаровск ўлкаси ўрмонларида кучли ёнғинлар давом этмоқда. Утган кун янги майдон яна 7000 гектарга кенгайган. Ушбу Шарқ минтақасининг табиий ресурслар департаменти хабарига қараганда, ёнғин чулганган ўрмон майдонларининг умумий ҳажми 23,5 минг гектарни ташкил этмоқда. Айни пайтда олов ўчоқларининг сони 80 тадан 74 тага камайган.

**ЕРГА ҲЎШАШ САЙЁРА  
БОРМИ?**

Америка космик агентлиги танлов асосида янги телескоп яратиш бўйича икки

лойиҳани танлаган. Телескопларнинг асосий вазифаси ер шарига Ҳўшаш сайёраларни қидиришдир. Лойиҳаларнинг бирида кўпоб телескопдан иборат тизимни ерда қуриш бўлса, иккинчисиде орбитал телескоп яратиш кўзда тутилган. "Terrestrial Planet Finder" деб номланган ушбу лойиҳаларни яқин ўн йиллик ичида амалга ошириш режалаштирилган. Тажминларга қўра, унинг қиймати 1-2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлади.

**АНГЛИЯЛИКЛАР ОРЗУСИ**

Яқин кунлар ичида Бирмингем йўлларидан бирида англиялик машҳур футболчи Дэвид Бекхемнинг улкан сураги пайдо бўлиши кутилмоқда. "Мей" шоссеси ёқсиде жойлашган "Fort Dunlop" биносининг деворига 25 метр баянликда ўрнатилдоган улкан портрет Бекхемнинг яқинда бошланган футбол бўйича жаҳон чемпионати олдидан «Шундай кун келадир» шiori остида амалга оширилмоқда.

**ЧЕКУВЧИЛАР  
ЭМЛАНДИ**

Чекишга қарши вакцина синовларининг биринчи босқини охирига етмоқда. Мутахасссларнинг айтишича, агар синовлар муваффақиятли ўтса, чекувчиларни 5 йилдан сўнг кенг қўлашда эмлаш мумкин. Вакцина иxtирочиларининг фикрига қўра, беш марта инъекция қилинса, кашандолар ушбу зарарли одатдан нисбатан тезроқ қутулишлари мумкин.

**Спартакиада  
бошланди**

Термиздаги "Алпомиш" стадиониде мамлакатимиз мустақиллигининг ўн бир йиллигига бағишланган қишлоқ меҳнатқашлари "Саломатлик" спартакиадасининг якуний мусобақалари бошланди.

Спартакиадан мақсад — қишлоқда спортни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш, эл саломатлигини сақлашда спортнинг аҳмиyatини ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборат.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари томонидан ўтказилаётган маъруз мусобақаларда вилоятлар ва Жоржақалпористон Республикасида келган жамоалар спортнинг 8 тури бўйича беллашди. "Алпомиш" стадиони ва Термиз шаҳридаги бошқа спорт иншоотлари спартакиадага олинган ташт қилиб қўйилди. Қишлоқ спортчиларининг кўнгилли дам олишлари учун маданий тадбирлар ташкил этилган.

Спартакиаданинг тантанали очилиш маросими катта байрамга айланди. Иштирокчиларни вилоят ҳокими Т.Қодиров, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси расиси Б.Маҳситов, Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенashi расиси Д.Жаҳонгирова қўлади.

Санъат усталари ижросидаги катта концерт дастури эса маросимга ўзига хос фойз берилди.

Мусобақалар тўрт кун давом этди.

**Чори ТҲҲТАЕВ,  
ЎЗА мухбири.**

**«ГАЗ» ОАЖ ва «ВАЗ» АЖ расмий импортёри «Petrol Service» ҚҚ**

вагонларда келтирилган, божхонадан ўтган

ГАЗ ва ВАЗ автомобилларини таълил этиди.

Инди Ташкентда, масаронинг «Беруний» бекети олдиде «Импро-Оил» ҚҚ омамонланади.

Савдодаги тавбйириларини. Кафолат — 1 йил.

Маъноси: Пуштон к. 59. Тел.: 137-13-43, 137-99-68, 180-35-05

**«Ўздэуавто» компанияси**

ютуқли ўйинда иштирок этувчи автомобиллар сотуви ниҳоясига етаётганини маълум қилади.

**Ютуқли ўйин шартларини эслатиб ўтамыз:**

- ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;
- автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларидан сотиб олинган бўлиши шарт;
- ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига қўра аниқланадилар;
- ютуқ соҳибига ўз сотиб олган автомобиль русумидаги машина совға қилинади.

**Ўйинда иштирок этувчи автомобилларнинг кузов рақамлари алоҳида чоп этилади.**

Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

**«ТРАСТБАНК»**

АКЦИЯДОРЛИК БИРЖА БАНКИ

- 9 май «Хотира ва Қадрлаш кuni» байрамига бағишланган, 50 фоиз йиллик тўлови бўлган «Эҳтиром» омонат турига аҳолидан маблағларни қабул қилиш давом этмоқда;
- нақд пул АҚШ доллари сотуви ва "American Express" йўл чеклари сотиш амалиётларини амалга оширмоқда.

Банк филиалларига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишингиз мумкин:

- Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй (мўлжал: Шайхонтоҳур тумани ДСИ);
- Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, «Е» даҳаси, 11-«А»-уй (мўлжал: «Хамза» метроси станцияси);
- Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 63-уй (мўлжал: Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети).

Маълумот учун телефонлар: 144-76-57, 144-76-24, 144-76-22, 77-06-33, 67-24-48.

**Биз ўзаро ҳамкорликка интиламиз!**

**«ELSUN-FARMBUYUM» ҚЎШМА КОРХОНАСИ АЛЮМИН БУРАМА**

**ҚАЛПОҚЧАЛАРНИ**

D28, N18; D20, N15 ўлчамда ишлаб чиқаради ва сотади.

Товар сертификатлаштирилган (SSUZ 01 SO 296049). Жаҳон стандартларига жавоб беради.

Тўлов — пул ўтказиш йўли билан

Тел./факс: (998-71) 161-10-34, 161-11-09. Тел.: (998-71) 188-12-71, 188-12-70, 187-28-76, 144-60-74.

